

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қарши шаҳар Маҳалла ва нуронийларни

қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи



Н.Хонкулова

2022 й

БУЮРТМАЧИ:

«ҚАРШИ ШАҲАР МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ» БЎЛИМИ

Қарши шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинларига

Баннерлар сотиб олиш хизмати.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қарши шаҳри-2022

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:

Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2022 йил 20 майда № 276 сон қарор билан рўхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ

1.Қарши шаҳридаги ишларни юритишда ишлатиладиган хизматлар.

1.2. Танловнинг хизмат турлари:

Баннер умумий 530 кв.м рейкаси бирга

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “ҚАРШИ ШАҲАР МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ – ҚУВВАТЛАШ БЎЛИМИ” (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 181100, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, И.Каримов кўчаси 60-ўй.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Қарши шаҳар ҳокимияти”биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик –муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилик каби ноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди.

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.4. Танлов иштирокчилари –талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.